

26-сонли ТЎЛОВ ҲИСОБ-ШАРТНОМАСИ

Тошкент шаҳри

«24» январ 2022 йил

Ўз низоми доирасида иш юритувчи «Бизнес-Daily Медиа» НУ МЧЖ (кейинги ўринларда-«Бажарувчи») томонидан Бош директор в.в.б. Пулатов У.С. бир томондан ва ўз _____ га асосан иш юритувчи «Узтрансгаз» АЖ (кейинги ўринларда-«Буюртмачи») _____ (кейинги ўринларда-«Буюртмачи») _____ иккинчи томондан, келгусида биргаликда «Томонлар» деб юритилади, ушбу шартномани қуйидаги мазмунда туздилар:

I. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

1.1. «Буюртмачи» ўз имкониятлари даражасида «Бажарувчи»га турли шаклдаги реклама, эълон, илова ва мақолаларни (кейинги ўринда - материаллар) Biznes Daily «Биржа» газетаси саҳифасида чоп этиш учун ет казиб беради.

1.2. «Бажарувчи» «Буюртмачи» томонидан тақдим этилган материаллар учун газета саҳифаларидан тегишли жой ажратади.

1.3. Буюртмалар учун тегишли саҳифаларни белгилаш газета чоп этилишидан бир кун олдин соат 14.15 га қадар амалга оширилади.

II. ҲАҚ ТЎЛАШ ТАРТИБИ, МИҚДОРИ ВА МУДДАТЛАРИ

2.1. 2022 йилда эълонларни чоп этиш:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3237-сон «Товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат ва корпоратив харидларини амалга оширишнинг замонавий шакл ва услубларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан назарда тутилган маълумотларни «Бизнес Daily Медиа» Ноширлик уйи МЧЖ газетасида чоп этиладиган эълонлар нархлари прејскурантга асосан белгиланади.

2.2. Шартноманинг умумий суммаси 2 000 000.00 (Икки миллион) сўм миқдоридан белгиланади. Тўловлар ушбу шартномага илова ҳисоб-тўловлари билан амалга оширилади. Бунда ҳисоб-тўловда кўрсатилган сумма «Бажарувчи» ҳисоб рақамига (100 фоиз) кўчириб берилгач, «Буюртмачи»нинг маълумоти газетада чоп этилади.

2.3. Йил давомида «Буюртмачи» томонидан берилган материаллар ҳажмининг шартнома умумий суммасига етмай қолиши «Буюртмачи»га ҳеч қандай мажбурият юкламайди.

2.4. Материал газета саҳифаларида чоп этилгандан сўнг бажарилган ишнинг аниқ ҳажмига кўра ҳисоб-фактура тақдим этилади ва яқуний ҳисоб-китоблар ушбу ҳисоб-фактуралар асосида амалга оширилади. «Буюртмачи» томонидан газетада чоп этиш мақсадида берилган эълон учун олдиндан тўлов миқдори 100 фоиз бўлиши шарт.

2.5. Газета чоп этиш нархлари ошган тақдирда (қоғоз нархи, босмаҳона харажатлари ва х.к.) мазкур шартноманинг 2.1-бандида кўрсатилган тўлов миқдорлари кўшимча келишувга асосан ўзгартирилиши мумкин.

III. «БУЮРТМАЧИ»НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «Буюртмачи»га газета чоп этилишидан бир кун олдин соат 14.15 дан кечиктирмаган тартибда (жамият раҳбари имзоси ва жамият муҳри билан тасдиқланган) мурожаат хати, унга материалнинг қоғоз ва электрон нусхаларини (бир хил бўлиши шарт) илова қилинган ҳолда «Бажарувчи» етказиб беради.

3.1.2. Чоп этиладиган маълумотларга тўланадиган сумма олдиндан тўлаб берилмаган, мазкур шартнома ва тақдим этиладиган ҳисоб-фактураларнинг иккинчи нусхалари бажарувчига ўз вақтида қайтарилмаган ва мурожаат хати берилмаган тақдирда «Бажарувчи» буюртмачининг буюртмасини чоп этмаслик ҳуқуқига эга.

3.2. «Буюртмачи» газетада бериладиган материалларнинг мазмунига, улардаги маълумотларнинг аниқлиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади. «Буюртмачи» томонидан тақдим этилган материаллар «Бажарувчи» томонидан чоп этилгандан сўнг хатолик аниқланса, берилган маълумотлар «Бажарувчи» томонидан тўғриланиб, қайта чоп этилади. Қайта чоп этиш харажатлари айбдор ёки хатога йўл қўйган томон ҳисобидан амалга оширилади. Агар бу ҳолат «Буюртмачи» томонидан содир этилган бўлса, унга «Бажарувчи» томонидан қайта чоп этиш харажатлари бўйича кўшимча ҳисоб-фактура, бажарилган иш далолатномаси тақдим этилади.

IV. «БАЖАРУВЧИ»НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. «Буюртмачи»нинг газета саҳифаланадиган куни соат 14.15 гача берилган буюртмасига биноан газета саҳифаларида тегишли материаллар учун жой ажратади.

4.2. Газетанинг навбатдаги сони маълум сабабларга кўра чиқмайдиган бўлса, «Буюртмачи»ни газета орқали хабардор қилади.

4.3. «Буюртмачи» томонидан тақдим этилган материаллар «Бажарувчи» томонидан сифатсиз ёки тегишли даражада чоп этилмаган тақдирда, берилган маълумотлар «Бажарувчи» томонидан тўғриланиб, қайта чоп этилади. Қайта чоп этиш харажатлари айбдор ёки хатога йўл қўйган томон ҳисобидан амалга оширилади.

4.4. «Бажарувчи» ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган муддатда буюртмани сифатли чоп этишни таъминлайди.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Тарафлардан бири мазкур Шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, ушбу тараф Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юридувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексда ва амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавобгар бўлади.

VI. ФОРС-МАЖОР

6.1. Табиий офат, ёнгин, сув тошқини, зилзила каби хавф-хатарни бартараф этиш имконияти бўлмаган тақдирда Шартнома мажбуриятларининг қисман ёки тўлалигича бажармагани учун Тарафлар жавобгарликдан озод этиладилар.

6.2. Ушбу Шартнома бўйича Тарафлар ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган бўлсалар, 30 кун ичида бошқа Тарафга сабабини кўрсатиб хабар бериши лозим.

6.3. Агар бундай аҳвол бир ойдан кўпроқ давом этса, Тарафларнинг ҳар бири Шартнома ҳаракатини тўхтатиши мумкин. У ҳолда Шартнома мажбуриятининг бажарилмаган қисмида тўхтатилади ва Тарафлар шартноманинг бажарган ва бажармаган қисмлари бўйича якуний ҳисоб-китобларни амалга оширадилар.

VII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Ушбу Шартномани бажариш мобайнида пайдо бўлган ҳар қандай низолар ва келишмовчиликлар Тарафлар томонидан музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал қилинади.

7.2. Агар Тарафлар бир битимга келиша олмасалар, у ҳолда низо белгиланган ҳолда суд тартибида кўриб чиқилади.

VIII. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Ушбу шартнома 2 (икки) нусхада тузилган ва улар бир хил юридик кучга эга.

8.2. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади. Агар шартнома шартлари белгиланган муддатгача ҳар иккала томонни қониқтирса, шартноманинг муддати келгуси йил учун ҳам амал қилиши мумкин. Бунда шартномадаги ўзгаришлар бўйича томонлар ўртасида қўшимча келишув имзоланади ва келгуси йилда буюртмаларни бажариш нархлари қўшимча равишда «Бажарувчи» томонидан кейинги йил учун белгиланган прејскурантга мувофиқ амалга оширилади.

8.3. Агар шартнома шартларига томонлардан бири ўзгартириш киритиш истагини билдирса, у ҳолда иккинчи томонни бир ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши лозим.

8.4. Ушбу шартнома ҳар иккала томоннинг келишувига биноан маълум бир муддатда тўхтатилиши ҳам мумкин. Бунда шартномани вақтинча тўхтатиш истагини билдирган томон ёзма равишда иккинчи томонни 5 (беш) иш куни олдин огоҳлантириши лозим.

8.5. Ушбу Шартномада кўрсатилмаган бошқа шартлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига асосан тартибга солинади.

IX. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ, БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

«Буюртмачи»

«Бажарувчи»

Манзил: 100031, Toshkent sh.

Yusuf Xos Hojib ko'chasi 31A-uy

Tel: (+998 71) 239-89-65

X/p H/ч: 2021 0000 9001 1783 6007

ATB «O'zsanoatqurilishbank»

Rakat filiali

MFO: 00435, OKED 49500

TIR: 200 626 188

Рахбар

М.У.



«Biznes-Daily Media» НУ МЧЖ

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри,

Амир Темур, 6-уй

Телефонлар: (0-371) 259-21-45

X/p 2020 8000 9002 0263 4001

Ўз СҚБ МАМФ МФО 00442

ОКЭД 58130 СТИР 207 178 693

Бош директор

В.в.б. Пулатов У.С.

М.У. MEDIA

NOSHIRLIK UVI

Бажарувчи:



«Тасдиқлайман»

«БИЗНЕС-DAILY MEDIA» НУ МЧЖ

Бош директори в.в.б

У.С. Пулатов

«30» декабрь 2021 й.



Biznes Daily «Биржа» газетасида, «Biznes - Эксперт» журналида реклама ва эълонларни чоп этиш
ПРЕЙСКУРАНТИ

Матнли эълонлар ва махсус реклама

*Реклама ва эълонлар биринчи бетдан ташқари барча бетларда чоп этилади.

Ҳажми ҳисоблаш. А3 (25,5×36,5 см) форматдаги бир саҳифанинг умумий ҳажми – 930 кв. см.

№	Реклама турлари	Ўлчов бирлиги	Тариф	ҚҚС билан
1.	Оқ-қора саҳифадаги реклама (график шаклдаги)	1 кв. см	2 000 сўм	2 300 сўм
2.	Рангли саҳифадаги реклама (график шаклдаги)	1 кв.см	3 000 сўм	3 450 сўм
3.	PR – мақола (компания фаолияти ва / ёки маҳсулоти ҳақида)	1 кв.см	3 000 сўм	3 450 сўм
4.	Корхона тугатилиши, устав капитали камайиши (купайиши), муҳр ёки ҳужжатлар йўқолганлиги тўғрисидаги эълонлар	1 та модуль	80 000 сўм	92 000 сўм
5.	Банкротлик тўғрисидаги эълон. Иловага қаранг*	1 кв.см	БХМ нинг 1%	БХМ нинг 1%
6.	Информация кўринишидаги эълонлар: а) Аукцион б) Савдолар в) Савдо натижалари г) акциядорлар йиғилиши д) Акциядорлар ва таъсисчилар умумий йиғилиши қарорлари е) Кун тартиби	1 кв.см	2 000 сўм	2 300 сўм
7.	Тендер ва танлов тўғрисидаги эълонлар	1 кв.см	2 000 сўм	2 300 сўм
8.	Жадвал мавжуд бўлган эълонлар: а) Баланслар б) Ҳисоботлар в) Молиявий натижалар г) Жадвал мавжуд бўлган бошқа эълонлар	1 кв.см	2 000 сўм	2 300 сўм
9.	«Biznes-Эксперт» иқтисодий илмий-амалий журналида чоп этилган илмий мақола. Иловага қаранг*	Хар бир бети	100 000 сўм	100 000 сўм

Изоҳлар:

* Вазирлар Маҳкамасининг 11.06.2009 йилдаги 160-қарорига асосан банкротлик тўғрисидаги эълонлар Базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда, солиқларни ҳисобга олган ҳолда 7 п дан кичик бўлмаган шрифтда ҳар бир кв. см. учун ҳисобланган тўлов асосида «Биржа» газетасида чоп этилади.

* «Biznes-Эксперт» иқтисодий илмий-амалий журналига тегишли бўлган ва ЎЗР Олий аттестация комиссияси томонидан тасдиқланган талабларга мувофиқ, мақолалар таҳририятга 14 шрифтда (Times New Roman гарнитурасида) тақдим этилади. Хар бир саҳифаси учун 100 000 ҳисобланади.

* « Biznes Daily «Биржа» газетасида мақолалар таҳририятга 12 шрифтда (Times New Roman гарнитурасида) тақдим этилади. 1- ва 2- саҳифалар учун 100 000 сўмдан ҳисобланади. 2 бетдан ортиқ бўлганда, чегирма қўлланилади ва ҳар бир саҳифа учун 50 000 сўмдан ҳисобланади.

Маркетинг бўлими
бош мутахассиси

Бош бухгалтер

З. Садикова

А.Мажидов